



\* "Чимилдиқ" да: Рафиқангизга буюртма; қизми, ўғил?

\* Мавлуда Асалхўжаева ишқ дафттарини очди

\* Қизлар ҳаёси билан чиройли, соғлиғи билан эса қадрли

\* Миллиардерлар уч кун ишлаб, 15 соат ухларкан



Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа  
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 12 май Чоршанба.  
№ 36 (14227)

## ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ИЛК МАРОТАБА ЎТКАЗИЛГАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА НИШОНЛАНДИ



А. Тўраев сурати (ЎЗА)  
Душанна мас ларзалар.

### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 11 май куни ваколат муддати тугагани муносабати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда мухтор элчиси Барбара Логан Ҳейни қабул қилди.

Қабул Ўзбекистон Президенти девонининг янги биноси — "Оқ сарой"да булиб ўтди. Давлатимиз раҳбари элчи билан суҳбатда унинг Тошкентдаги хорижий дипломатик миссиялар раҳбарлари орасида алоҳида обрў-этиборга эга эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон билан

Бирлашган Қироллик уртасидаги муносабатлар равнақ топишида Барбара Ҳей хонимнинг хизматлари катта. Президент Ислоҳ Каримов унинг мамлакатимиздаги фаолиятига юксак баҳо берди ва келгуси ишларида муваффақият тилади. Бирлашган Қироллик элчи-

си самимий сузлар учун Президентга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда ишлаган йилларим ҳаётимнинг унутилмас саҳифаларига айланиб қолади, деди у. Дустона руҳда утган мулоқот чоғида икки мамлакат уртасидаги муносабатлар, халқаро доирадаги муаммо-

лар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎЗА)

## АЖДОДЛАР ЁДИ – МУҚАДДАС

Куни кеча мамлакатимизда илк бора 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонладик. Бундан қўзланган асосий мақсад, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган, юртимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон берганлар хотирасини абадийлаштириш, Ватан равнақи йўлида хизмат қилаётган фахрийларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйиш эди.

Биз ўша куни Хотира майдонига бордик. Президентимиз сўзлаган нутқларини катта қизиқиш, ички ҳаяжон билан тингладик. Дарҳақиқат, хотира халқимизга хос азалий фазилатдир. Хотираси бўлмаган, ўтмишини унутган, ўз аجدдоларининг қадрига етмайди миллиятнинг келажаги йўқ. Буни тарих кўп марта исботлаган.

Майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангуга битилган юртдошларимизнинг исм-шарифларини ўқиб, чуқур ўйга толасан киши. Уларнинг оналари, яқинлари, қариндош-уруғлари қанча кутган, йўл пойлаган экан-а! Шу маънода майдон марказидаги Мотамсаро Она ҳайкали қандайдир уйғунлик, ҳамоҳанглик касб этган. Ватанимиз озодлиги, ҳурлиги йўлида шаҳид кетганларнинг руҳи-поклариغا Куръон тиловат қилиш билан бирга, шундай эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган Йўлбошчимизга Яратгандан сихат-саломатлик, омонлик, узоқ умр, юртга эса

тинчлик ва самимийлик сўраб қолдик.

Бугун гарчи иш куни бўлса-да, Хотира майдонига ҳамон одам кўп. Юртдошларимиз саф-саф бўлиб Мотамсаро Она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишмоқда. Бу нимадан дарак беради? Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатида ёт бўлган эски қолип ва сохта гоёлардан воз кечганимизнинг ифодасидир.

Илгари бу жойлар қандай эди, бир эслайсизми? Ватан учун жон берган аскарлар макъеи Номалум аскар, деб юритиладиган маскан эди. Эл-юрт осойишталиги учун жон олиб, жон берган аждождаримизни Номалум аскар деб атаб, уларнинг жасоратига, фидойилигига ва умуман тарихга чизик тортиб юборган эдик ўшанда.

Шукри, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, жонбозликлари билан бу ерлар бугун обод ва файзли бўлиб, миллатимиз руҳиятига мос равишда Хотира майдонига айлантирилди. Негаки, хотира аждодлар билан фахрланишга, ҳозирги осойишта ҳаётимизнинг, тирикларнинг қадрига етишга ўргатади.

**Назokat УСМОНОВА,**  
“Туркистон” мухбири

## ХОТИРА УЙҒОҚКИ – ИНСОН БАРҲАЁТ

Ҳар сафар 9 май куни оиламизнинг барча аъзолари бир дастурхон атрофида йиғилардик. Биз — фарзанд-у набиралар бутун ёшлиги қонли жанггоҳларда кечган бобомизни қутлар, у кишига узоқ умр тилардик. Бу йил эса... Бу йил 9 май биз учун чин маънода Хотира ва Қадрлаш куни бўлди.

Қўлида даста-даста гул билан Хотира майдони томон кетаётган одамларга қараб бобомни эслайм, покиза руҳига мурожаат қиламан:

**Ўртагар дил, йиғлайди сабр,  
Зимистонга айланди жаҳон,  
Кўз ёшимдан мувғайди қабр,  
Соғинч ўртаг қалбим, бобожон!**

Мана яна сизнинг байрамингиз келди. Тагин гулдаста илин-

жида бог оралайман. Бу сафарги гуллар ҳам сиз учун, ям-яшил майсалар униб чиққан қабрингизга қўйиш учун узилди, бобожон...

Эсимда, ҳар тонг эрта уйғониб, боққа чиқардингиз. Саҳарда уйғонишнинг гашти бошқача, болам, кимки барвақт турса, ризқи улуг, насибаси бутун бўлади, дер эдингиз. Айнқса, ёз чоғлари биз учун узум узганларингиз ҳеч кўз ўнгимдан кетмади. Қаранг, боғингиздаги анор буталарино анжир, узум тоқлари ва ҳатто дархтлар ҳам сизни соғингандай энтикмоқда, бобожон.

Ҳар тонг мусаффо осмонни кўриб шукр қилар эдингиз. Билмадим, ўша лаҳзада хаёлингиздан нималар кечарди... Балки бизга сўйлаб берганингиз — қирғинба-

рот жангу жадаллар ёдингизга келармиди?! Балки оғир ярадор бўлиб, ҳарбий касалхона деразасидан кузатганингиз — осмонга буй чўзган қарағайлару уларнинг тепасида чарх урган кушлар кўз ўнгингизда жонланармиди, билмадим. Ҳар ҳолда, чуқур ҳўрсиниб қўярдингиз...

Энди бу кунлар — хотира. Аммо биз учун сиз ҳамон тириксиз. Гуё сизнинг иккинчи умрингиз қилган ишларингиз, фарзандларингиз, қолаверса, шогирдларингиз тимсолида давом этаётгандек.

**Насиба БОЗОРОВА,**  
Бухоро вилояти

## ЭРТАМИЗ ВОРИСЛАРИ

**Туркия жумҳурияти билан ҳамкорликда фаолият юритаётган Тошкент ўзбек-турк компьютер лицейи директори муовини Халима Маҳмудова билан суҳбат.**

— **Халима Турғуновна, лицейнинг бугунги фаолияти билан таништирамангиз.**

— Ўз фаолиятини 1993 йилда бошлаган лицейимиз қисқа фурсатда мамлакатимиздаги обрўли билим масканларидан бирига айланди. 1997 йили лицейимизни 32 нафар ўқувчи битирди. Мана шу биринчи қалдирғочларимиздан 27 нафари мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларига юқори балл тўплаган ҳолда талабалар сафига қабул қилинди. 1998 йилда ҳам худди шундай кўрсаткич қайд этилди. Лицейимизда ўқиш истагини билдирувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ана шунини инобатга олган ҳолда бу йилги мавсумда 50 нафар талаба қабул қиламиз.

— **Лицей бошқа билим даргоҳларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Деярли унчалик фарқи йўқ. Фақат бу ерда компьютер илми чуқур ўргатилади. Шунингдек, ўқувчилар инглиз ва турк тилларини ҳам пухта ўзлаштириши шарт. Талабалар 4 йил тахсил олишади. Ўқитиш тизими бошқа лицейлардагидек рейтинг асосида амалга оширилади. Агар талаба дарсга сабабсиз қатнашмаса ёки тартибсизликка йўл қўйса, лицей қошидаги интизом кенгашида унинг ҳуқуқига яраша баҳо қўйилади. Лицейни тамомлаган талабаларга компьютер оператори, турк, инглиз тили таржимони малакаси берилади.

— **Ўқувчилар бўш вақтларини қандай ўтказишади?**

— Лицей ҳузурида ётоқхона бўлиб, ўқувчиларнинг ўз уйларига боришлари учун шанба ва якшанба кунларига жавоб берилади. Ҳар куни дарсдан кейин кўшимча машғулотлар, турли хил тўғараклар, таниқли шоиру адиблар, санъаткорлар, ҳуқуқшунос ва спортчилар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Бундай эзгу ишларни амалга оширишда ўқитувчиларимиз билан бир қаторда аълочи ўқувчиларимиз Дилшод Ҳакимжонов, Баҳодир Маҳмудхўжаев, Темура Иброҳимов, Жаҳонгир Қурбонов, Баҳодир Қудратов, Фазлиддин Тўлаганов ва бошқа кўплаб илмитолиблар ўқишда ўзгаларга ўрнак бўлмоқда.

**Суҳбатдош Рўзбой АЗИМ**

**Бухоро шаҳридаги 35-мактаб республикамизда болалар ва ўсмирлар учун ишлаб чиқарилган “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” дастурининг иккинчи босқичида қатнашувчи билим даргоҳлари қаторидан ўрин олди.**

**Бу қандай дастур? Ундан кўзланган мақсад нима? Бу саволларга мактаб директори Гулчехра Равашова шундай жавоб берди:**

— Ёшларимиз мустақил фикрли, ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолай оладиган, ақл-заковатли, соғлом кишилар бўлиб вояга етиши лозим. Мазкур дастур ана шундай масалаларни ҳал этишга қаратилган. Дастурнинг биринчи босқичи Тошкент шаҳридаги мактабларда ўтказилди ва замонавий таълим-тарбия концепцияси, шахснинг

## “ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР”

шаклланишига мос келиши билан мутахассислар эътиборини тортди. Ушбу дастурнинг кейинги босқичида Бухоро вилоятидан фақат бизнинг мактаб қатнашмоқда.

Дастур ташаббускори “Бритиш Американ Тобакко-Ўзбекистон” қўшма корхонасидир. У 24 соатлик машғулотдан иборат. Дастурга мувофиқ, аввал назарий маълумотлар берилади, сўнг бутун синф мунозарага жалб этилади. Машғулотлар суҳбат, тест, мунозара, турли ўйинлар шаклида ўтказилади. Мавзулар эса ранг-баранг. Бироқ уларнинг барчаси асосий мақсад — ёшлар таълим-тарбиясини кучайтириш сари йўналтирилган. “Шахс обрў-эътибори: уни мактабдаги тенгдошлар орасида қандай эгаллаш мумкин?”, “Нима учун чекадиган болалар ўз дўстларининг ҳам чекишини хоҳлайди?”, “Болалар ўз ота-онасидан нималар кутади?”, “Ким етакчи бўлишга лойиқ?” каби қатор машғулотлар ёшларнинг шахс сифатида қамолга етишишида муҳим аҳамият касб этади.

“Бритиш Американ Тобакко-Ўзбекистон”нинг ташаббуси Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” жамғармаси, “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Дастур машғулотлари декабрь ойида ниҳоясига етади.

**Илҳом Сафар,**  
ЎЗА мухбири

Мен яқинда ўрта мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга қадам қўяман. Орзуим журналист бўлиш. Менда бу касбга меҳр уйғотган Президентимиз Ис-

лисларимизнинг Президентимиздан дадиллик билан интервью олаётганларини ойнаи жаҳонда кўриб, шундай бахт менга ҳам насиб қилар-

## МЕН ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМАН

лом Каримов бўладилар. Йўлбошчимизнинг маърузаларида журналистлар тўғрисида, айнқса матбуотнинг аҳамияти ҳақида билдирган фикрлари, менинг ўз тақдиримни журналистика билан боғлашимга сабаб бўлди.

Юртбошимиз матбуотнинг нуфузини кўтариш, уни чинака-мига тўртинчи ҳокимиятга айлантириш учун журналистларни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, уларнинг олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўймоқдалар. Шу вазифаларнинг моҳиятини англашга тиришиб, мен мустақил Ватаним, халқимга жонфидалик билан хизмат қилиш учун кунт ва зехн билан ўқиб билим олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Айрим журна-

микан, деб энтиқиб қўяман. Дунё мамлакатларини кезиб, у ердаги янгиликлардан ватандошларимизни хабардор қилиш, она-юртимдаги жаҳоншумул ўзгаришлардан олам аҳлини бохабар қилиш ҳам дилимдаги орзудир.

Замон воқеалари, жаҳон жараёнлари марказида, тенгдошларимнинг олдинги сафида бўлишни, юртимга кўпроқ фойдам тегишини истайман. Бу йўлда Президентимизнинг ёш авлодни, журналист ижодкорларни қўллаб-қувватлашлари менга ғайрат ва илҳом бағишлайверади.

**Абдулла ҲАМРОЕВ,**  
Қашқадарё вилояти,  
Косон тумани,  
Янги қишлоқ маҳалласи

## “Ҳавас”: голиблар аниқланди

Тошкентда теннис буйича “Ҳавас” аънавий мусобақаси ниҳоясига етди. Унда республиканинг вазирликлари, идоралари ва корпорациялари билан бирга вилоятлар ҳокимлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ушбу мусобақада биринчи марта аёл иштирокчи - Республика Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Галина Саидова қатнашди. Финал учрашуви турнирнинг энг қизғин нуқтасига айланди. Унда Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ўз мураббийси Виктор Дербенёв билан бирга Намангандаги “Агромаш-сервис” бошқармаси раиси Мухтор Усмонов ва Омонжон Носиров билан беллашди.

Жабборов билан Дербенёв ўз рақиблари билан шижоатли курашиб, 6:1 ҳисобда ғалабани қўлга киритди.

— Тўлқин ака сингари рақибга ютқазилган афсусланмайман, — дейди Мухтор Усмонов, — чунки у ҳар йили ана шу мусобақада иштирок этиб келади. Ниҳоят бу йил “Ҳавас” кубоғига эришди. Биз бундан жуда хурсандмиз. Бу ғалаба улкамизда тобора оммалашиб бораётган теннис мухлислари сонини кўпайтиради.

Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, мамлакатимиз Президентини ташаббуси буйича ташкил этилган “Ҳавас” турнири вилоятимизда ҳам спортни ривожлантириш учун самарали омил бўлади.

Мусобақа голиблари - Тўлқин Жабборов ва Виктор Дербенёв “Ҳавас”нинг кучма кубоғи билан мукофотландилар. Шунингдек, турнир иштирокчилари ва совриндорларига Ўзтелеферадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, газета ва журналлар таҳририятлари томонидан таъсис этилган махсус совринлар топширилди.

(ЎЗА)

## Ирода Тўлаганованинг ажойиб ғалабаси

Ўзбекистонлик теннисчи Ирода Тўлаганова учта йирик мусобақа - Япония очиқ чемпионати, Сеулдаги хотин-қизлар челленжер турнири ва Хиросимадаги Осиё чемпионатида ғалабаларга эришиб, зафар билан уйга қайтди.

— Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳозир Ирода жуда яхши жисмоний тайёргарликка эга, — дейди спортчи қизнинг отаси ва бош менежери Ботир Тўлаганов. — Унинг финал учрашувларида эришган ютуқлари бунинг исботидир.

Сеулда мусобақанинг бош соврини учун 32 энг кучли спортчилар беллашди. Унда Ирода Япония спортчиси Хисамацо билан беллашиб, 6/0, 6/0 ҳисобида голиб келди. Хиросимада бўлган Осиё

чемпионатида 18 ёшгача бўлган 64 нафар теннисчи тўпланиб, Ироданинг австралиялик Мелисса Даунс билан финал учрашуви аввалига қийин кечди. Ирода 3/1 ҳисобида ўз рақибига ютқазиб бошлади, аммо бутун имкониятини ишга солиб, 6/3, 6/2 ҳисобида ғалабага эришди.

Японияда эса Ирода 6/0, 6/2 ҳисобида рақибидан устун келди.

Олдинда янги чемпионни Франция очиқ чемпионати кутмоқда. Унинг ўсмирлар турнирида 18 ёшгача бўлган жаҳоннинг энг кучли теннисчилари иштирок этади. Бу мусобақа май ойининг охирида бошланади.

(ЎЗА)



Ўзингни бос, Махмурночка, - деди у. - Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам маст эканми? Ўзингни бос, Махмурночка, - деди у. - Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам маст эканми? Мени кечир. Бўғидак хотиржам бўл, аям билдира кўрм. Мен билан батмаслаҳат иш қилдим, гўрқибаб озғибди қўйибман хотиржам эди. Аям бошқа гўрқибаб хотиржам эди. Махмурночка, - деди у. - Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламиз ҳам маст эканми? Мени кечир. Бўғидак хотиржам бўл, аям билдира кўрм. Мен билан батмаслаҳат иш қилдим, гўрқибаб озғибди қўйибман хотиржам эди. Аям бошқа гўрқибаб хотиржам эди.

## МЕНИ ЭСАЛРМИКИН

Бундан икки йил муқаддам мактабни битириб, Тошкентга ўқишга бордим. Имтиҳонга тайёрланаётган кезларим ўқишдан ташқари ҳамма нарса мен учун иккинчи даражали эди. Имтиҳонга тайёргарлик машғулотларига қатнашганимда аби-туриентлардан бири мен билан танишмоқчи бўлар, мен унга парво қилмасдим. Имтиҳон куни у билан олдинма-кетин ўтирдим. У "ёрдам керак эмасми" деб сўради. Мен жавоб бермадим. Лекин у йигитга насбатан менда ҳам қандайдир бир туйғу бор эди. Буни айтишга ё улардим, ё кўрқардим. Ўша йили ўқишга кириш менга насиб этмаган экан. Бироқ бунга хафа эмасдим, аммо ўша йигитни бошқа кўра олмаслигимни ўйлаб алам қилиб йиғлаб юбордим. Бирдан унга кўзим тушди: хурсанд, чунки талаба бўлган экан. Ачинарлиси шундаки, у менга қайрилиб ҳам қарамасди. танимасди. Қишлоққа қайтганимдан сўнг ҳар бир-икки ойда атайлаб уни кўриш учун Тошкентга келаман. Доим шўх-шодон юрганини кўриб дилим вайрон бўлиб, қайтиб кета-

ман. Мен фақат уни Яккабоғдан, исми Жавлонлигини биламан, холос. Бу мактубни ўқиганингизда бу қиз телба бўлиб қолибди, деб ўйларсиз. Балким ростдан ҳам телба бўлгандирман. У мени балким ўша пайт шунчаки эрмак қилгандир. Уйимга совчилар келишяпти. Наҳотки бу тасодифий учрашувдан уйғонган севги мен учун умрбод армонга айланиб қолса. Отанам Тошкентдан хафа бўлиб қайтганимни кўришса, ўқишга кирмаганимдан деб ўйлашади. Ҳозирда мен Гулистон Давлат университетиди ўқийман. Мени севгучи курсдошларим кўп, лекин қандайдир куч мени ўша йигитнинг олдига чорлайди. Бошқа ҳеч кимни севишни хоҳламайман, севолмайман ҳам. Илтимос, манзилимни ёзманглар, менинг хат ёзишимдан мақсадим, балким у ҳам ўқиб қолар. Шунда ёдига тушарман.

Салом билан РАЪНО



## АФСУС

Хасталик туфайли тўшакка михланиб қолган опам Зарифа Умрзоқовага

Сен ҳали оидинлар билан биргасан,  
 Ҳали ёрилмаган пешоналаринг.  
 Сенинг кўзларингдек оппоқ дунё йўқ,  
 Мингга бўлинмаган тошойналаринг.  
 Орзулар қул тушган пойгақларингда,  
 Чинларинг кўп эрур рўёларингдан,  
 Сенинг кўзларингга термулиб туриб,  
 Уялиб кетаман дунёларимдан.

Қани, ким кўрибди мукамал бахтни,  
 Асли ким дунёдан топибди роҳат,  
 Сенинг оёқларинг юра олмайди,  
 Менинг юрагимда зилдек жароҳат...

Сенинг кўзларингда бозорлар йўқдир,  
 Йўқдир юрагини пулга сотганлар,  
 Кўзинг ёшларига арзийдими йўқ,  
 Нима қилиб қўйди юраётганлар...

Дунё етолмаган дунёсан — ўзинг,  
 Сенинг осмонингга қиламан ҳавас.  
 Оппоқ юрагингни оппоқлигича,  
 Оппоқ дунёларга олиб кетсанг бас!...

Шухрат ОРИФ,  
 ўқувчи

## ИККИ БОЖАНИНГ ЖАНЖАЛИ

Улардан бирининг қурбон бўлиши билан тугади. Утган йилнинг 1 июль куни қайнонасиникидан қайтар экан, Зокир божаси Алишер ва таниши Бахтиёрлар билан бу унинг ҳаётидаги энг сўнгги тўй-ҳашам эканлигини тасаввур ҳам қилолмаганиди. Тўйхонадан маст ҳолда чиққан учала йигит тумандаги чойхоналардан бирида ўтириб, майхўрликни давом эттиришади. Арзимас гапдан низо чиқиб, икки божа ўртасида жанжал бошланди. Алишернинг "Отанга ўхшаган писмиқсан", деган гапи Зокирнинг жон-жонидан ўтиб кетди шекилли, озига келган сўз билан сўкина бошлади. — Ҳали мен писмиқ бўлиб қолдимми? Ҳе қизингни сени... Эндигина кетишга чоғланган Алишер бу гапни эшитиб Зокирга ташланди. — Нимага менинг қизимни сўкасан, даю! Кўрсатиб қўяман сенга! У оғзидан тупук сачратганча Зокирнинг башарасига зарб билан калла урди. Ўзи шусиз ҳам оёқда зўрға турган Зокир "шилқ" этиб унинг оёқлари тагига йиқилди. Буни кўрган Алишер баттар кутириб кетди, Зокирнинг юз-кўзи аралаш аямая тепа бошлади. Уларни ажратмоқчи бўлган Бахтиёрнинг уринишлари беҳуда кетди. Қонга беланиб беҳуш бўлган божасини кўрган Алишернинг қапагаги учиб, бу ердан жуфтакни ростлади. Майхўрликдан чиққан хангома фожиа билан тугади. Зокирнинг бош мияси қаттиқ жароҳатланганлиги туфайли, айна гуркираган йигит ёшида бу дунёни тарк этди. Икки божанингни жанжали натижасида улардан бирининг қурбон бўлиши, иккинчисининг одил суд ҳукми олдида жавоб бериши икки опа-сингил ўртасига ҳам армонли нифоқ солди. Бир йўла икки оила вайрон бўлиб, куда-қудагайлар ўртасига совуқчилик тушди. Холаваччалар бир-бирига елкадош ака-ука бўлиш ўрнига энди бир-бирига ёлдай қарашади. Бировининг отаси сабаб бир умрга етим қолди. Яна биров эса энди маҳбуснинг боласи.

Гулрух ЁРМАТОВА

## АЙБ


Хўжайиним билан севиб турмуш қурганмиз. Иккита фарзандим бор, аммо ўзимни анча йил шунчаки алданиб юрганимни энди ҳис қилдим. Биласизми, ҳозир кўпчилик мендан ҳазар қилади. Ҳаттоки эрим ҳам. Чунки бутун баданим оқариб кетган. Учрашмаган дўхтирим, табибим қолмади, ҳеч даво тополмайман. Эрим эса мен билан юришни ўзига ор деб билади. Меҳмондорчилик тугул, кўчага ҳам бирга чиқмай-миз. Сизга эримни ёмонламоқчи эмасман. Аммо мен шундай бўлишини хоҳлаганмидим? Унга турмушга чиққанимда соппа-соғ эдимку, эркақлар шу эканда...

ЛАТОФАТ,  
 Нукус

## КЎК ЧОЙ ИЧГАН МАЪҚУЛ

Кук чой рақ касаллигининг олдини олибгина қолмасдан, унга қарши восита ҳам экан. Буни Шимолий Америкада бўлиб утган IV кимё конференциясида Япония ва амриқолик олимлар тасдиқлашди. Уларнинг сиқонлар устида утказган тажрибаси шуни курсатадики, доимо кук чой ичиш натижасида улар буйрак, тери, упка ва ошқозон рақи ривожлани-

шидан яхши сақланади, хаттоки уларга рақ атайлаб юктирилган бўлса-да. Бундай кури-нишни одам-



ларда ҳам кузатиш мумкин. Кук чойда антиоксидант

моддаси бўлиб, у рақни келтириб чиқарувчи вирусларни улдиради. Киши ўзини рақдан ҳимоя қилиш учун ҳар куни 10 пиела кук чой ичиши лозим. Шунинг учун ҳам японлар уни кўп истеъмол қилишади ва шу сабабдан уларда рақ билан оғрувчилар қора чой ичувчи амриқоликларга нисбатан анча кам.

## АЛИШЕРЖОН ВА МАЛОҲАТХОН!

Баҳорнинг энг узун оқшомида қўядиган никоҳ тўйингиз ҳаётингизга тенгсиз ҳушқўдликлар олиб кирсин.

МУЯССАРХОН

МЕН  
ВА У

# Навица Асанхўжаева: РАШКЧИЛАРДАН ХУДО АСРАСИН

— Севги сизнинг назарингизда нима?

— Менимча, бу нарсани тушунтириш анча қийин. Оддий сўз билан севгининг таърифини келтира олмасам керак. Шу саволингиз менга бир нарсани эслатади. Дугонам бор; севги, севги дейишади, у ўзи нима, дейди. Бўлмаса жуда чиройли, келишган. Уни кўпчилик севган, аммо унда шундай туйғу йўқ бўлса керак-да. Мен унга ўзим билганча Муҳаббатни тушунтирдим. Дугонам севишганларга жуда ҳавас қилади.

— Ўзингиз ҳам севганмисиз?

— Севганман. 19 ёшимда, аммо биз севгимизга етишолмаганмиз. Унинг уйдагилари бошқага уйлантириб қўйишган.

— У йигитнинг нимаси сизга кўпроқ ёқарди?

— Жалолободлик, ҳамма ҳавас қиладиган, юриш-туриши яхши, муомалали бир йигит эди. Кейин ақли, яхши ўқирди.

— Кўпинча қизлар шундай пайтда тушқонликка тушишади.

— Йўқ мен ўзимга ишонаман. Санъат йўлига киришим учун кўп нарсдан воз кечишим керак эди. Театр ва рассомчилик институтида ўқидим. Сабр қилсанг ҳамма насага етаркансан. Турмуш ўртоғим Давлет билан севишиб, турмуш қурдик. Улар ҳам санъаткор бўлгани учун мени тушунади.

— Одамзод умри давомида неча марта севилиши

мумкин?

— Турмушга чиқмасингиздан олдин не-не хаёллар билан юрасиз. Севиш, севилиш-бахт. Лекин ўша севганингиз сизни биринчи навбатда ҳурмат қилсин. Севаман деб, юз марта айтсаю, қадрингизга етмаса, бу энг ёмони.

— Бу дунё бир бевафода кўпчилик севгани билан бирга бўлолмаганидан нолиб юради.

— Биринчидан, тақдир сабабчи бўлса, иккинчидан, ўзингиз сабабчи бўласиз. Масалан, менинг гурурим жуда баланд. Кўпинча бош эггим келмайди. Ўша йигитни севиб юрган пайтларим ҳам ўз олдимга шарт қўйганман. Майли турмушга чиқаман, аммо санъаткор бўлман, деб.

— Ҳали ўзингиз айтдингиз, бу бевафо дунёда. Ҳаётда ҳамма наса бўлиши мумкин. Масалан, ўлдим-қўйдим деб сизга уйланган эрингиз ҳам бир кун келиб, сизга хиёнат қилиши мумкин. Бунинг учун эркакларни айбламайман.

— Нима учун?

— Унинг кетиб қолишида баъзида сиз ҳам сабабчи бўласиз. Бошқа аёлнинг нимасидир эрингизни ўзига ром этган. Кўпинча аёлларимиз эркакларга кўрс муомалада бўлишади. Йўқ, ундай эмас, эркакларга кўпроқ меҳр бериш зарур. Ўзингиздан ҳам айб қидиришингиз, аёл сифатида уйда бўлса ҳам озгина ўзингизнинг юриш-туришингизга эътибор беришингиз ке-

рак. Ўшанда турмуш ўртоғингиз оилдан кетиб қолмаслиги турган тап.

— Ҳижрон севгини ўлдириши мумкинми?

— Мумкин меҳр кўзда дейишади-ку. Севганингиз узоқлашгани сари



хотиралар ҳам эскиради. Бу орада одамнинг яхши-ёмонини ўрганасан. Бир пайтлар яхши кўрган хислатлари сенда нафрат уйғотади... Баъзида севганим ёнимда бўлса қийинчиликларимга елкадош бўларди деб ўйлайсан.

Дардингни, ҳасратингни, қийинчиликларингни ҳеч қачон яхши кўрганингга айта олмайсан, чунки унинг қийналишини хоҳламайсан. Узоқ йиллардан кейин Жалолободга борганимда уни кўриб қолдим. Мени танимади. Ёшига нисбатан анча қариб, кўзойнақ тақибди. Шунда биринчи бор унга

ачиндим, қандайдир бир наса, қўлимдан келса унга ёрдам бергим келди.

— Ўзингиз ким билан кўпроқ дардлашасиз?

— Баъзида дардингиз бўлади, ҳеч кимга айтолмайсиз, ўзингиздан ўзга. Шу дардларимни қўшиққа соламан. Шу кунларда “Ҳали мени кўп эслайсиз, вафосизим” номли қўшиқ яратяпман. Яна “Мен йиғласам, ёлғиз йиғлайман” қўшиғимни юрагим билан йиғлаб айтаман.

— Қайси қўшиқларингиз ўзингизга таскин бера олади?

— Олдинлари фақат оғир ашулар тинглардим. Ҳозир эса кайфиятга қараб тинглайман.

— Битта қўшиғингизда “Рашксиз йигитдан Худо асрасин” деган жумлангиз бор.

— Рашкни ёмон кўраман. Баъзи эркаклар хотинларини қизғониб, бўлар-бўлмасга уришишади. Рашк аслида юракда бўлади. Севган кишилар эса бир-бирларини тушунишлари керак. Баъзи аёлларимизнинг сир яширишлари эса эркакларда шубҳа уйғотади...

ЛАЙЛО,  
“Туркистон” мухбири



## Буюклар муҳаббати

Ўша пайтда Достоевский қирқ ёшдан энди ҳатлаган, бир қанча асарлари билан элга таниқли адиб эди. Аммо ёлғиз, ночор яшар, бунинг устига хасталикда умр кечирарди. Бундан ўн йилча муқаддам у Мария исмли қизга уйланган. Бироқ муҳтожлик, эрининг тинимсиз инжиқликлари аёлнинг белини букиб қўйгани сабабли уч йил бурун қазо қилганди.

Фёдор Михайловичнинг аҳволи яна таранглашди. Нашриёт билан тузилган шартномага кўра, у бир ой ичида икки юз саҳифали романни ёзиб тугатиши керак. Акс ҳолда унга қарз берганлар адибнинг ишини судга оширишлари мумкин. Ёзувчининг танишларидан бири унга матнни тез кўчирувчи — стенографистка хизматидан фойдаланишни тавсия этди. Улар юборган қиз — Анна Григорьевна Сниткина гимназияни эндигина тугаллаган, 20 ёшлардаги тортинчок, аммо қобилиятли, меҳрибон эди.

Анна Достоевский номини болалигидан эшитган, асарларини қайта-қайта ўқиган, уни ўзича гоҳ семиз, гоҳ озгин, новча, серсоқол, бадавлат киши бўлса керак, деб тасаввур этарди. Аслида адиб кўринишидан кекса, фаромушхотир, тажанг, хастагина киши экан. Негадир биринчи кун уларнинг иши юришмади. Шунинг учун ёзувчи ҳозир ишлаш олмайман, кечки соат саккизларда келинг, деди. Анна бу таклифни хушламай қабул қилди. Белгиланган вақтда борди. Илгари фақат танҳоликда ижод қилиб ўрганган адибга матн кўчирувчи қизга романни айтиб ёздириб маъқул келди. Асарни яратиш анча тезлашди. Улар ҳам бора-бора бир-бирларига кўникиб кетишди. Суҳбатлари қовушди. Қиз энди уни буюк ёзувчи эмас, балки ўзининг яқин кишисидек



миз, - деди.

Достоевский “Қиморбоз” асарини белгиланган муддатда ёзиб тугатди. Аммо уларнинг ҳамкорлиги, учрашувлари ниҳоясига етмади.

Тез кунда Фёдор Михайлович “Жиноят ва жазо” романининг давомини ёзишга киришди. Бу пайтга келиб улар бир-бирларини севиб қолган, аммо улар бир-бирларига буни айтишга истиҳола қилар, айниқса ёзувчи Аннанинг

кўра бошлади.

Анна ишдан бўш вақтларида зерика бошлади. Уни ҳар кун, ҳар соатда кўргиси келарди. Фёдор Михайловичнинг ўзи ҳам шундай фикрларни айтиш кайфиятида юрган экан. Бир кун:

— Биз бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик. Наҳотки романни ёзиб бўлганимиздан кейин бошқа учрашмай-

олдида ўзини ночор сезар эди. Уни ўзи ва қиз ўртасидаги ёшнинг тафовути кўп қийнади. Турмуш кўрган адиб қизни бағрига босгиси, севиб-севиб, ундан саноқсиз қайноқ бўсалар олгиси келар, бир вужуд бўлишни Худодан тилар, фақат ёш маҳбубасини чўчитиб қўйишдан кўрқар, шу боис унинг олдида ўзини нотавон ва мажруҳ сезарди. Шундай кунларнинг бирида адиб Аннага янги асар ёзмоқчилигини, унда анча ёшга бориб қолган санъаткор ёш

қахрамонингиз ўрнида бўлганимда албатта унга турмушга чиққан бўлардим.

Бу суҳбат уларни безовта қилиб юрган кўплаб саволларга жавоб топиб берди. Орадан кўп ўтмай, 1867 йил 15 февраль кун 44 ёшли адиб 20 ёшли қиз билан никоҳдан ўтди. Улар ўн тўрт йил яшашди. Ҳаётлари енгил кечмади, Анна Григорьевна муҳтожлик, адибнинг тез-тез хуруж қилдиган тутқаноқ касаллиги, инжиқлик-

## ТЕНГСИЗ ЖУФТЛИК

қизга ошиқ бўлиб қолганини, аммо қиз унинг муҳаббатини қандай қабул қилишини тасвирлашга қийналаётганини сўзлаб берди. Анна Достоевский ўзларининг ўртасидаги муҳаббат ҳақида сўзлаётганини сезд.

— Кекса, касалманд кишига кўнгил қўйган қиз, кейинчалик ёш умримни хазон қилдим, деб ундан хафа бўлмасмикин, - дея қўшимча қилди Достоевский. — Мен шу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Сиз ўзингизни шу бечора қизнинг ўрнига қўйиб кўринг-чи?

— Нега энди шундай кишини ёш қиз севиши мумкин эмас, - деди ҳаяжон билан Анна. — Мен сизнинг

ларининг ҳамма-ҳаммасига чилади.

Фёдор Михайлович шундай меҳрибон, сабот-бардошли қизга уйланидан ўзини бахтли сезарди. У менинг ишончим ҳам, умидим ҳам, бахтим ва энг катта бойлигим ҳам Аня, бундай аёлни севмай бўладими, дея алқарди.

Ўлим тушагида ётган Фёдор Достоевский Анна Григорьевнадан розилик сўраб, у билан кечирган бахтли ҳаёти учун беҳад миннатдорчилик изҳор этар экан, камдан-кам эрларгина хотинига айта олиши мумкин бўлган сўзларни айтди:

— Аня, мен сени қаттиқ севаман, унутма, ҳатто хаёлимда бўлсада, бирон марта ҳам сенга хиёнат қилганим йўқ.



Дейдиларки, қиз бола гулдан ҳам нозик. Унинг келгуси ҳаёти, тақдири, келажаги бугундан, яна ҳам аниқроғи, қизларни тўғри парваришладан бошланади. Республика врачлар малакасини ошириш институти қошидаги гинекология кафедрасининг ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди Ландиш Эсонбоева билан суҳбатимиз мана шу мавзуда бўлди.

— Ландиш Муҳаммадзакиевна, иссиқ кунлар ҳам бошланыпти. Бундай

Ҳайз келиши менда оғир ўтали. Баъзан бошим айланиб, ҳолсизланиб қоламан. Шифокорга боришга эса кўрқаман. Бу хавфлими?  
**Ш.ИСМОИЛОВА, 20 ёш**

пайтда қизлар учун рияз қилиниши шарт бўлган покизалик қондалари, муаммолари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ёз фаслида қизлар покизаликка алоҳида эътибор беришлари керак. Ахир халқимиз бекорга “саломатлик — озодликдан бошланади” демаганку. Қизларимиз иссиқ пайтларда ҳар кунни уйку олдидан ювинишлари шарт. Иложи борича сунъий толалардан тўқилган ички кийимлардан воз кечиш керак. Чунки бундай матолат терининг қизишига, безовталанишга олиб келади.

Айрим қизлар озишни орзу қилиб, ўзларини овқатдан, ширинликлардан тийиб юришади. Бу мутлақо ярамай-

ди. Бойси, озиқ моддалар билан инсон танасининг тўлиқ таъминланмаслиги келгусида она бўладиган қизларимизнинг саломатлиги учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун уларга кўпроқ мева-чева, сабзавотлар, сутли маҳсулотлар, хуллас дармондориларга бой, сархил озиқ-овқатларни мунтазам истеъмол қилишларини тавсия этардик. Минг афсуски, ҳозирги кўп қизларимизда йод моддасининг етишмаслиги ҳоллари учрамоқда. Натижада ўсмир қизларнинг бўйнидаги қалқонсимон без ўсиб кетяпти. Қалқонсимон безнинг эса модда алмашинувида аҳамияти беқиёсдир. Унинг шишиб кетмаслигининг олдини олиш учун йодид, йодли туз, антиструмин дориларидан биронтасини бериб бориш керак.

— Айрим қизлар ҳайз пайтида, айнақса ёзда ҳаддан зиёд қоннинг кўп кетишидан шикоят қилишади. Бунинг сабабларини тушунтириб берсангиз.

— Чиндан ҳам баъзиларда ой кўриш жараёни жуда оғир кечади, 5-6 кунлаб қон кетади. Бунинг сабаблари турлича

бўлиши мумкин. Айрим қизларимиз ўзлари сезмаган ҳолда шамоллаган бўлади. Оқибатда бачадон яхши қисқармай, кўп қон кетади. Айримларнинг ички аъзолари аномал ҳолда, яъни кўшалок бачадонли бўлади. Бачадонда шиш ёки ўсимтанинг пайдо бўлиши ҳам қоннинг ҳаддан зиёд кўп кетишига са-

Иссиқда аъзои баланим қаттиқ қичишиб, қизаралиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини тушунолмаяман...

**Д.АХМЕЛОВА, 17 ёш**

ланишларига, уялишларига асос йўқ. Чунки қизларни ҳеч қандай тирсиз, жарроҳлик муолажасисиз, фақатгина УЗД орқали текшираемиз. Дарвоқе, қизларимиз анемия, яъни камқонлик касалига учраган бўлсалар ҳам ҳайз пайтида қон кўп кетиши мумкин.

— Ўсмир қизларда шамоллашнинг олдини олиш йўллари қандай?

— Салқин пайтда юпун кийиниб юриш, қаттиқ терлаб кетганда совуқ сувда чўмилиш натижасида шамоллаш юзага келади. Ҳовлида яшайдиган қизлар супуриш-сидириш вақтида қўл-оёқларини жуда кўп маротаба совуқ сувга урадилар. Қолаверса, бутун аъзои-баданнинг қаттиқ совиб кетиши ҳам шамоллашга олиб келади. Танани жисмонан чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олади.

— Баъзан қизлар уй-рўзгор юмушлари, ишлаб чиқаришда оғир меҳнат билан банд бўлиб қолишади. Тиббиёт нуқтаи-назаридан шуни қандай баҳолай-

сиз?

— Қай соҳада бўлмасин, оғир юк кўтариш қизларга мутлақо ярамайди. Мунтазам оғир юк кўтарган қизларда бачадон заифлашуви, унинг пастга тушиб кетиши кузатилади. Шунинг учун қизларга тўрт килограммдан ортиқ оғир юк кўтармасликни тавсия этардик. Зеро, қизларни келгуси катта ҳаётга тайёрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Фақат соғлом онадангина соғлом фарзандлар дунёга келади.



баб бўлади. Бундай пайтда қизлар ҳеч уялмай, иккиланмай шифокорга мурожаат қилишлари керак. Ҳайзнинг оғир

Муздак сувла чўмилишни ёқтираман. Лекин кейинчалик буйрагим оғрий бошлади. Нега шундай бўларкин?

**И.ҲАКИМОВА, 24 ёш**

кечиши ҳамда қоннинг кўп келиш сабабларини биз шифокорлар аниқлаймиз. Ота-оналарнинг бу ерда хавотир-

# ЛУҚМОННИ ҲАКИМ ДЕЙДИКИ...

1992 йилдан бундан ташқари...  
лион АҚШ долларига етди.  
ЖАКАРГА. Яқинда Индонезия-Жая вилояти) айирмачилар 11 таган эди. Айна пайтда мамлакат жиноятчиларни изламоқда. Индонезия Папуа-Янги Гвинея билан ҳақ бўлиши мумкин.  
Ириан-Жая ёки Ғарбий Ириан мустамлакаси бўлиб, 60-йилларни Индонезияга қайтариб берилган эди бу ерда эркин сайловлар ўтказишнинг устидан чиқмади. Натижа катининг ўчоқларидан бирига айланган муқаддам Президент Сухарто ҳоқини айирмачилик кайфияти янада

## БОЛАНИНГ ҲАКИМ ДЕЙДИКИ...

### ҲОМИЛАДОРЛИК БЕЛГИСИ

Андомининг суст, оғир бўлиши ва учуши, иштаҳанинг камайиши, чанқашнинг кўплиги, бир ойдан сўнг кўкрак учининг қорайиши, юракнинг ачишиши, оғизнинг сувсизланиши, ўзига одат бўлмаган нарсалардан ейишга интилиш ҳомиладорлик белгиларидир.

### БОЛАНИНГ ҲАКИМ ДЕЙДИКИ... УҒИЛ ЁКИ ҚИЗЛИК БЕЛГИЛАРИ

Агар ҳомиладор аёл чап томонидан оғирлик ҳис қилса, ҳатти-ҳаракати оғир ва вазмин бўлса, қиз туғилади. Агар ўнг томони оғир бўлса, ҳаракатлари тез ва чаққон бўлса, ўғил туғилади.

#### Бошқа белги

Агар ҳомиладор аёлнинг сути идишга солинса-ю, сут тезда остига чуқиб кетса, қиз туғилади. Агар чуқмаса, устида туриб қолса ўғил туғилади.

#### Бошқа белги

Агар ҳомиладор аёлнинг томирлари қизил бўлса, ўғил туғилади. Агар кўк бўлса, қиз туғилади.

Жолинус ҳаким айтади: “Балогатта етганда ўнг тухум катта бўлса туғиладиган бола ўғил бўлади. Агар чап тухум катта бўлса, қиз туғилади. Шайхлар ва олимларнинг боласи кўпинча қиз бўлади.

Агар аёлларда ҳайз тез келса, табиати иссиқ бўлади ва кўпинча болалари ўғил бўлади.

Муҳаммад ибн Закариё айтади: “Агар уруғ суяк бўлса, уруғ куч олиши учун қуруқ — иссиқ ашёлардан истеъмол қилиш керак. Сўнг яқинлик қилишга киришилади”.

Ҳомиладор аёлнинг оёқ томирлари қизил бўлса, фарзанд ўғил бўлади, қора бўлса — қиз.

#### Бошқа белги

Ойна офтоб тифида қиздирилади. Унга ҳомиладор аёлнинг сути томизилади. Сутлар марвариддек туриб қолса ўғил, агар ёйлаб кетса, қиз бўлади.

### ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ТАДБИРИ

Ҳомиладор аёл барча аччиқ, шўр, масалан ковул, хон зайтун, барча сийдик ва ҳайз ҳай-



### ҲОМИЛА БЎЛИШДАН САҚЛОВЧИ ДОРИЛАР ВА ТАДБИР

Ҳар қачон ҳомила бўлмасликни истасалар, кўшилишдан фориг бўлгач, аёл тезда

дайдиган, масалан нўхат, ловия ва судобдан, сакраш, зарба урилиш ва ҳаказолардан, хусусан ҳомиланинг аввалида ва охирида эҳтиёт бўлиши керак. Кўп жинсий алоқа бола ташлашга сабаб бўлади. Ҳаммомда узоқ турмаслиги, енгил овқат ейиши керак. Кундузи бир неча бор овқатланилади. Бир мартада роса тўйиб емайди. Агар иштаҳа йўқ бўлса, таомга иштаҳа очишга ёрдам берадиган нарсалардан, маса-

Уридан туриб сакрайди, уруғ оқиб кетади, бачадонда ўрнаб қолмайди.

Аёл киши канакунжут донидан ютса ҳомила олмайди.

Аёл шер юрагидан еса, юкли бўлмайди. Аёл денгиз қўпигидан еса етти йилгача ҳомилага тўсқинлик қилади.

“Умр ўтар ёки Луқмони Ҳакимнинг фарзандига юз насихати” рисоласидан

### ЭНИГА

1. Художўй, диндор
3. Пул ёки буюм тикиб уйдиган уйин
5. Чирой берувчи нарса
7. Кимёвий модда
9. Эркаклар исми
14. Киши танасининг ташқиниши
15. Ойнинг туркий тилда номи
16. Бирор кишига нозил қилинган бериладиган ном
17. Фин ҳаммоми
20. Отга ўрнатиладиган бажав
23. Экин парвариши, уток
25. Бирор кимсага қарши тилган ёмон мақсад
26. Мол айрбошлаш, олди билан бўладиган муомала
27. Томоқнинг бир қисми
29. Бетараф инсон
31. Абжир, эпчил, чаққон
33. Қаттиқ илтимос
36. Мударрис
39. Тананинг сиртқи қисми
41. Чехословакия пойтахти
42. Она юрт
43. Бир ёшга тулмаган той
44. Қип-қизил ранг
45. Грек алифбосининг бири харфи



Хаёт — мен уйлаганчалик осон эмас экан. Инсон тақдирини ўз қўллари билан яратади. Балки мен ҳам ўша куни... кетиб қолмаганимда, ўз бахтим учун курашганимда бундай ҳолга тушмасдим.

Йўқ, Менимча, севгимга, садоқатимга хиёнат қилган инсон билан қандай яшайман. Ҳар куни шундай хаёллар билан курашаман. Мен нима қилишим керак эди, деган саволга ҳали-ҳануз жавоб топа олмайман. Шунинг учун ҳам азиз опаюларим, тенгдошларим маслаҳатингизга муҳтож бўлиб хат ёздим. Мен сизга бошимдан ўтган воқеалар ҳақида батафсил айтиб бермоқчиман.

... Китоблардагидек афсонавий севгилимни кутиб ёшим 29 га бориб қолганини ҳам сезмай қолибман. Чунки мақтаниш эмаску, ҳуснимга ҳамма ҳавас қилар, мақтовларни эшитган

сайин ўзимга оро берардим. Балки ўшанда ўзимни ой деб билгандирман. Севги изҳор қилган йигитларни ўзимча масхара қилиб, бир тийинга олмасдим. Бу орада онам бетоб бўлиб қолди.

Онаминг сўзларини икки қилолмадим. Келатган совчиларга розилик бердим. Қўшни қишлоққа келин бўлиб тушдим. Аввалига ҳаётимиз ҳамма ҳавас қилгудек. Эрим ҳам келишган, чиройли, хушчақчақ, Кўпчилик бир-бирингизга худди узукка кўз, кўйгандек мос тушибсизлар. Утирган қиз

бўйи ғалати аҳволда юрдим. Кечки пайт Феруза мактабдан келди: "Келиноий, сизга бир нарса кўрсатайми, эвазига нима бера-сиз?" — деб қолди.

— Нима хоҳласангиз, — дедим. Шунда қайинсинглим сумкаси-дан бир нечта хатлар олиб менга узатди. Хаёлимда Ферузага ёзилган ишқий мактублар бўлса керак, сирини менга айтяпти, деб ўйлаб, ким у йигит, Феруз? — деб сўрадим.

— Хат акамники. Мен уни шкафинг ички тортмасидан то-п и б ол д и м . Я н а бит - т а - и к -

# ЭРТА УНУТИЛГАН БАХТ

ўрни-ни топади, деганлари рост-да дерди. Кунлар кетидан ойлар ўта бошлади. Қайнонам ҳам мени жуда ҳурмат қилар, ҳурматига яраша бўлайин деб, тиним билмасдим. Бахтиёрлигимдан чарчаш нималигини сезмасдим. Кейин билсам ҳаётим алдовларда ўтаётган экан. Бир куни ошхонада идиш-товоқларни юваётсам, қайнонам кичик қайинсинглимини уришаётган экан. Уларнинг гаплари менга аниқ эшитилар эди. Лекин қайнонамнинг: "Нилуфарга айтма, билиб қолмасин" деган сўзлари мени сергаклантирди. Кун

китасини йиртиб ташладим, — деди тиржайиб. Мана бунисини кеча топиб олдим. Фақат оймга айтманг.

Шошиб қўлимга олдим-да, ўқий бошладим.

"Ассалому алайкум, азизим Равшан ака, Сизни соғиндим. Эртага соат кечки 7<sup>00</sup> ларда келинг. Кутаман.

Севгилингиз Насиба"  
Кўз олдим қоронгулашиб, ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Ишонмадим. Демак бугун 7 да. Ким у Насиба? Наҳотки Равшан акам

менга хиёнат қилса... Йўқ. Бўлиши мумкинмас. Биров ҳазиллашгандир.

Ўзимни тутиб олдим-да, кечки овқатга уннай кетдим. Лекин кўнглим безовта, тезроқ эрим келишини кутардим.

Ниҳоят соат 6<sup>00</sup> ларда эрим кириб келди. Кайфияти чоғ, хурсанд кўринарди. Бироздан сўнг: — Овқатинг тайёрми?! Соат еттида эски бир оғайним билан учрашим керак эди. Мен тезроқ кийиниб олай, сен овқатингни тайёрлаб тур, — деди-да, кийимини алмаштиргани уйга кириб кетди.

Унинг сўзлари бошимга мушт туширгандек бўлди. Кулоғим остида соат "7<sup>00</sup> да" дегани шаңиллаб кетди. У апил-тапил овқатини ичди-да: "Мен бугун сал кечроқ келаман. Хафа бўлмайсанми, жо-

қиргани, эркак кишининг ялинган овози эшитилди. Овоз танишдек туюлди, чамамда. Шу пайт кўча эшиги тарақлаб очилди-ю, бир ҳолатда қўшнимизнинг қизи Насиба кириб келди-да, тап этиб ҳовлига ўтириб олди. Унинг орқасидан эрим бир алпозда кириб келди.

Қайнонам Насибани кўрди-да, ранги ўзгариб: — Ҳа Настя, тинчликми? — деди.

Насиба ўрнидан турди-да, эримни қўли билан кўрсатиб: — Ўғлингиз бугундан бошлаб менга уйланади. Акс ҳолда уни судга бераман. Менинг қорнимда болам бор. Мен ҳеч қасқа кетмайман." — деб бақириб, йиғлаб юборди.

Шундан кейин мен ота-онаминг уйида яшай бошладим. Кейинчалик Равшан акам ўша татар қизга уйланишини эшитдим кўп куйдим. Онаминг юпатишлари менга далла бўлди. Эсон-омон ўғилчали бўлдим. Ҳозир эрим хотини билан ажрашган. Мен билан яшаш илинжида одам кўйяпти. Энди нима қилишга ҳайронман.

Менинг ор-номусимни топтаган, муҳаббатимни қадрига етмаган инсон билан яшайми? Ё гуруримни деб боламини етим қилайми, маслаҳатларингизга муҳтож синглингиз:

НИЛУФАР

## УЗУК ТАҚИШ

Қадимги Греция ва Римда куёв ўз қайлигининг ўрта бармоғига узук тақишни одат қилган. Айтишларича, асосан қон чап қўлдаги шу бармоқдан юракка ўтаркан.

Куёвлар узукни ушбу қон томир устига тақиб, келинни ўзларига бир умрга боғлаб олдик, деб ишонишар экан.

## КУЁВ ЖЎРАЛАР

Бундан минг йиллар олдин Англияда куёв ўзига куёв жўрани танлайдиган бўлди. Унинг вази-фаси келинни ўғирлаб кет-қўймасликдан иборат эди. Бундан ташқари куёв никоҳ узугини ҳам ўз жўрасига ишониб топширган. Негаки, агар узук йўқолса тўй ўтказиш таъқиқланганди.

## КЕЛИННИНГ ДУТОНАЛАРИ

Тўй да ҳам бўли-иллари Ев-Уни қиз-лаш-қан-ҳоди-келиннинг дугоналари ши бундан минг йиллар ропада пайдо бўлган. нинг ота-оналари танган. Улар келинни ҳар дай қутилмаган воқеасалардан сақлаганлар.

## ТҶЙ ТҶРПАРДАСИ

Бу анъана биринчи марта қадимги замонларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Ота-оналар бир тўхтамага келганларида куёв ва келин бир-бирларини кўрмай тўй ўтказаверишган. Келин тўйга юзини тўрпарда билан яшириб келган. Бу асосан хунук келинлар учун иш берган. Тўй ўтгандан кейин эса ҳар қандай куёв ҳам тақдирига тан бериб яшаб кетаверган. Бундай удум кейинчалик бугун дунёга тарқалди.

Иzzат АХМЕДОВ тайёрлади

# атрофдагилар сизни кузатишади

\*Ташқи кўринишингизни доим назардан ўтказинг, озода, саранжом-сарашта бўлинг. Ювиниб-кийинишингизга оид нарсаларни ёддан чиқарманг. Бу ишларни уйингизда ёки бошқаларнинг кўзидан нарида бажаринг. Зиёфат чоғида, жамоа жойларда ёхуд кўчада соч таралмайди, тирноқ тозаланмайди, энгил-бош тартибга солинмайди.

\*Сербўёк ёки ола-кула кийим кийманг. Ўзингизга мос оддийроқ рангдаги ва бичимдаги кийимларни танланг.

\*Безак сифатида қимматбаҳо узуклар тақманг. Галстукка мос тўғнағич, соат занжири, соч тўғнағичини танланг, чунки бу-

лар фойдали, улар қанча одми бўлса, шунча яхши. Айниқса, аёллар ўз безакларига диққат қилишлари керак.

## Одобнома

\*Кийимларнинг ташқи чўнтақларига ручка, қалам, кўзойнак, тароқ каби нарсаларни солиб юрманг.

\*Кўчага пойафзалингизни тозалаб чиқинг.

\*Ғижимланган костюм, дазмолланмаган кўйлак, галстук билан кўчага чиқишдан тийининг.

\*Шляпани бостириб ёки гарданингизга қўндириб кийманг.

\*Қадам ташлашингизга эътибор қилинг. Лапанглаб юрманг. Дадил одим отиб,

қадни расо тутиб, виқор билан юришга одатланинг.

\*Бўлар-бўлмасга қўлингизни ўйнаманг. Қўл ҳаракатларига доимо эътибор беринг. Қўлни чўнтакка солиб юрманг.

\*Ётоқ ва ваннахонадан ташқари ҳеч бир жойда пижама кийманг.

\*Кўчада ва жамоа жойларида хуштак чалманг.

\*Жуда қаттиқ кулманг.

\*Бошқаларга нохуш туюладиган бўлса, чекмаганингиз маъкул.

\*Шуни эздан чиқармангки, ён-атрофингиздаги кишилар ташқи кўринишингиз, юриш-туришингиз, муомалангизни кузатишади.

"Расмий ва порасмий учрашувлар одобномаси"

Ҳиндларда расм-русумга кўра никоҳ тўйлари ота-оналарнинг розилиги асосида ўтказилади. Ҳинд миллий анъаналарига кўра, эркак киши ўз табақасига мансуб йигитларга ёки ўзидан пастки тоифадаги қизга уйланиши мумкин. Қизлар эса ўзидан юқори тоифадаги йигитларга тушмушга чиқиши шарт.

Ҳиндистон дини 1955 йилдаги никоҳ тўғрисидаги қонунида кўп хотин олиш куриш вақти йигитлар учун ўн беш ёш деб бел-

Олий тоифага мансуб беришади, пастки тои-қалин пули тўлашади

Уйга совчи кел-қарорга келингунга ва йигитнинг мучалини солиш-

## ХАТ

Унингиз ўрнида бўлганимда ал-а турмушга чиққан бўлар-ди. Му-с и б б ў л с а рига совга тақдим учун қулай бўлган кун жим белгилайди. неча кун олдин келин тозалаш маросимини наларига ўсимлик ёғи тайёрланган махсус ди.

Сўнг куёв чиройли кига йўл олади. Уни олади ва уйга таклиф бор келиннинг жамотиш" маросими ўтказила-куёвнинг қўлларини бирлаш-нинг олдида олиб боради. Е кокос ёнғоқлари, гуллар, гуру-лади. Коҳин келин сарисининг га осиб қўйилган рўмолга боқ олови атрофидан айлантиради учун дуолаб ўқийди. Худолар р руц ташлашади ва эритилгаор тўй маросими тугайди, ўйин-ди.

ҳамма-ҳаммасига чилади. Михайлович шундай меҳ-робот-бардошли қизга уйланини бахтли сезарди. У мен-нчим ҳам, умидим ҳам, энг катта бойлигим ҳам тий аёлни севмай бўладими, и.

тўшагида ётган Фёдор До-Анна Григорьевнадан сўраб, у билан кечирган ти учун беҳад миннатдор-дор этар экан, камдан -кам хотинига айта олиши мум-сўзларни айтди: ня, мен сени қаттиқ сева-ма, ҳатто хаёлимда бўлса-марта ҳам сенга хиёнат йўқ.

**Т Б И Л И С И.** Бу ерда Греция Президенти Константинос Стефанопулос билан Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, мамлакат парламенти раиси Зураб Жвания ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. К.Стефанопулос Грузия ҳукуматининг бошқа вакиллари билан ҳам учрашади.

Ташриф доирасида Грузия билан Греция ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши кўзда тутилган.

**Д Е Ҳ Л И.** Бангладеш аҳолиси ўтган ҳафта сўнггида юз берган фожиалардан саросимада. Мамлакатнинг Нарсингди шаҳрида "қўлбола" спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида 100 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди. Яна 36 кишининг ҳаёти хавф остида. Аини пайтда бу жиноят бўйича тергов олиб борилмоқда.

Иккинчи фожа Мегхна дарёсида юз берди. Кучли тропик тўфон пайтида йўловчи паром чўкиб кетди. Маълумотларга қараганда, 300 йўловчидан 100 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган, холос.

**Р А Б О Т.** Араб давлатлари ўртасида имзоланган террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция кучга кирди. Расмий хабарларга қараганда, аини пайтда 8 давлат мазкур конвенцияни ратификация қилган. Улар Жазир, Бахрейн, Миср, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Фаластин, Саудия Арабистони ва Тунисдан иборат.

Террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция 1998 йил 22 апрелда Қоҳирада ушбу давлатларнинг ички ишлар вазирлари томонидан имзоланган эди.

**Г А А Г А.** Нидерландия ҳукуматининг мажлисида косоволик қочқинлардан яна икки минг нафарини қабул қилиб, мамлакат ҳудудига жойлаштиришга қарор қилинди. Аини пайтда Нидерландияда қочқинлар учун урта махсус лагерь ташкил этилган бўлиб, уларга икки мингдан зиёд одам жойлаштирилган.

**В А Ш И Н Г Т О Н.** Жаҳон Банки Литва таълим тизimini такомиллаштириш учун ушбу мамлакатта 31,1 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Шу билан Жаҳон Банкнинг 1992 йилдан буён Литвага берган кредитлари миқдори 301,1 миллион АҚШ долларига етди.

**Ж А К А Р Т А.** Яқинда Индонезиянинг Арсо шаҳрида (Ириан-Жая вилояти) айирмачилар 11 кишини гаровга олиб яширинган эди. Аини пайтда мамлакат хавфсизлик кучлари зўр бериб жиноятчиларни изламоқда. Индонезия ҳарбийларининг фикрича, улар Папуа-Янги Гвинея билан чегарадош ҳудудларда яширинган бўлиши мумкин.

Ириан-Жая ёки Фарбий Ириан вилояти Нидерландиянинг собиқ мустамаклаки бўлиб, 60-йилларнинг бошларида БМТ кўмагида Индонезияга қайтариб берилган эди. Ушанда Индонезия ҳукумати бу ерда эркин сайловлар ўтказишга ваъда берганди. Бироқ у сўзининг устидан чиқмади. Натижада вилоят айирмачилик ҳаракатининг учоқларидан бирига айланиб қолди. Бундан бир йил муқаддам Президент Сухарто ҳокимиятдан кетгач, Ириан-Жаядаги айирмачилик кайфияти янада кучайиб кетди.

## СЛОВАКИЯ - САЙЛОВ АРАФАСИДА

Шу йилнинг 15 майда Словакияда Президент сайлови бўлиб ўтади.

Ҳозирда мамлакатда 30 апрель кuni бошланган сайловолди кампанияси охирамoқда. Ана шу сиёсий кураш жараёнида сайлов бўйича амалдаги қонунчилик талабларини тўқис бажаришга муваффақ бўлган 10 нафар президентликка номзод иштирок этаётир.

Словакия Республикаси Президенти мамлакат фуқароларининг ялпи, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқлари асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил



мудатта сайланади. Ваколатли сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз берган номзод Президент лавозимига қонуний сайланган саналади.

Шу кеча-кундузда ўзаро беллашаётган унта номзоддан бирортаси ҳам 15 майда тегишли миқдордаги ҳақиқий овозларни тўплай олмаса, мамлакатда сайловнинг иккинчи босқичи бошланади. Словакия Республикаси Миллий Кенгаши томонидан сайловнинг иккинчи босқичини 29 майда ўтказиш белгиланган.

Ушбу босқичда Президентликка номзодлардан сайловнинг биринчи қисми бўйича нисбатан энг кўп овоз тўплашга эришган икки нафари қатнашади ва унда ваколатли сайловчиларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланган номзод голиб ҳисобланади.

Президентликка номзодларнинг сайловолди кампанияси 13 майгача давом этади.

"Туркистон-пресс"

**Д Е Ҳ Л И.** Ҳиндистон шу йилнинг сентябрига қадар бутун дунёда ядровий синовларни ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага имзо чекмайди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх маълум қилди. Унинг айтишича, Ҳиндистон бу шартномага қўшилиш тўғрисида илгари ўз зиммасига олган мажбуриятни бажара олмайди. Ўтган ойда мамлакат ҳукуматининг истеъфо бергани бунга тўқинлик қилмоқда, деди у.

Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг сўзларига қараганда, мамлакатда сайлов ўтказилгунга қадар шартномани имзолаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

**П Х Е Н Ь Я Н.** 20 май кuni бир гуруҳ америкалик экспертлар Шимолий Кореядаги ерости объектини текширишни бошлади. Маълумки, Вашингтон расмий доиралари бу иншоотда Пхеньян маъмурияти ўз ядро қуролини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бораётган бўлиши мумкин, деган шубҳа билдирмоқда. Японияда нашр этиладиган "Дейли Иомиури" газетасининг ёзишича, текширув бир ҳафтага яқин давом этади.

Хабарларга қараганда, яқинда Пхеньян маъмурлари америкаликларга шубҳа уйғотаётган бу объектни текширишга рухсат берган. Бунинг эвазига эса АҚШ КХДРга катта миқдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатади.

**Р Е Т О Р И Я.** Яқинда Гвения-Биссау Президенти Жоа Бернард Виейрани лавозимидан четлатган исёнчи кўшинлар аини пайтда мамлакатдаги вазиятни тўлиқ назорат қилиб турибди.

Шанба кuni исённи амалга оширган ҳарбийлар мамлакат парламенти раҳбарияти билан учрашиши ва муваққат Президент тайинлаш масаласини муҳокама қилиши керак. Қўзғалончилар расмий вакили Зиморо Индутоний айтишича, мамлакатда жорий йилнинг ноябрь ойигача, яъни умумхалқ сайлови ўтказилгунга қадар давлат бошлиғи вазифасини парламент раиси Малан Бакаи Санья бажариб туриши зарур.

Қузатувчиларнинг фикрича, агар ҳарбийлар шу йўлдан бурса, мамлакатда деярли бир йилдан буён давом этаётган қавмлараро можарога барҳам берилган бўлар эди.

**К О Б У Л.** "Толибон" ҳаракати кўшинлари Афғонистон марказидаги Бомийн вилоятига уюштирган кучли қарши ҳужум оқибатида бундан уч ҳафта муқаддам қўлдан бой берган ҳудудларни қайтариб олишга муваффақ бўлди. Толиблар вилоят маркази Бомийн шаҳридан Афғонистон ислом бирлиги шиалар партияси қисмларини сиқиб чиқарди.

Хабарларга қараганда, бўлиб ўтган жанглар натижасида шиаларнинг ўнлаб аскарлари ўлдирилган ва 50 дан ортиғи асирга олинган.

**Т И Р А Н А.** Аلبания Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатдаги косоволик қочқинлар жойлашган лагерлардаги санитар-гигиеник ҳолатни назорат қилиш бўйича қатор қарорлар қабул қилди.


Ёз мавсуми бошланаётгани муносабати билан қочқинлар лагерларида ошқозон-ичак касалликлари эпидемияси тарқалиш хавфи туғилмоқда. Вазирлик бунинг олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда, қочқинларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини қаттиқ назорат қилишга буйруқ берди.

(ЎЗА)

### ЭНИГА

1. Художўй, диндор
3. Пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ўйин
5. Чирой берувчи нарса
7. Кимёвий модда
9. Эркалар исми
14. Киши танасининг ташқи қуриниши
15. Ойнинг туркий тилда номланиши
16. Бирор кишига нозил қилиб бериладиган ном
17. Фин ҳаммоми
20. Отга ўрнатиладиган бир хил кажава
23. Экин парварishi, уток
25. Бирор кимсага қарши қаратилган ёмон мақсад
26. Мол айрбошлаш, олди-сотти билан бўладиган муомала
27. Томоқнинг бир қисми
29. Бетараф инсон
31. Абжир, эпчил, чаққон
33. Қаттиқ илтимос
36. Мударрис
39. Тананинг сиртқи қисми
41. Чехословакия пойтахти
42. Она юрт
43. Бир ёшга тулмаган тойчоқ
44. Қип-қизил ранг
45. Грек алифбосининг биринчи ҳарфи

### Б О Ш Қ О Т И Р М А



### БҮЙИГА

1. Бошоқли ёввойи ўт
2. Ланж бўлмоқ
3. Ёввойи дарахт
4. Бадий асар тури
5. Форс-тожик адабиётининг نامоёндаси
6. Хунарманд
8. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган гап
10. Касаллик тури
11. Иш қуроли
12. Буржлардан бири
13. Бурчлардан бири
17. Худонинг марҳаматига лойиқ киши
18. Экини йиғиб олинган ер
19. Бирор жойга тўплаб уйиб қўйилган пичан, беда, пахта
20. Масхара, кулгу
21. Ўқиниш, ачиниш туйғуси
22. Ўқиш, ёзишдан хабардорлик
23. Кишилар сарқити билан кун кечирадиган текинхўр
24. Уч-тўрт ёшлардаги эркак от
28. Ёв, душман
30. Ишонувчан инсон
32. Инсон ёки ҳайвонлар вужудининг кўриниши
33. Ўт-алаф ўсиб ётган ер
34. Ўзбек миллий кийими
35. Энг муқаддас инсон
36. Мулоқот шаклидаги саҳна асари
37. Уч томони берк олди очик хона
38. Бир аждоддан тарқалган насл
39. Худонинг қули
40. Дарахтнинг ёш тармоғи

Тузувчи  
Муродхўжа Зокирхўжаев

Бойсуннинг шундоқ биқинида ястаниб ётган овул аҳли — даштигозликлар Алпомиш келбатли Тоштемир ўзларининг ҳамқишлоғи эканлигидан ниҳоятда фахрланадилар.

Ёшлигиданоқ оғайниси, дўсти Эрали билан бирга ўзидаги бебош туйгуларни жиллашнинг пайида бўлган бу азамат йигит номи бугун кўпчиликнинг оғзида.

— Одам ўзини ўзи жабрлаб, чиниқтириб туриши керак, — деганди унга машҳур Жаббор полвон. — Масалан, бир кунда саккиз-ун соат машқ қилмасанг, демек танбаллик дарди мени енгди, дейвер. Дангаса одам эса зўр полвон бўлиши тугул ҳатто оддий ишда ҳам тузукроқ муваффақиятни умид қилиши бехуда!

Шу насиҳат қулогига ўрнашиб қолган эканми, у Эрали билан саҳарданоқ Денов уйингоҳига чиқиб кетар, тинимсиз машқ қиларди.

Мана, тўрт-беш йилдирки уларнинг довуғи фақат Сурхондарёгагина эмас, жаҳонга етди. Ҳали ўттизга қирмаган бу йигитлар машҳурлар сафига киришга улгуришди.

... 1997 йилги кураш бўйича учинчи халқаро мусобақада Эрали Маҳмарасуловни йиқита олмаган, финалда омади чопмаганидан бироз хафа бўлган эди. Ушанда Эралига Ўзбекистон Президенти соврини насиб этган, дунёнинг кўплаб давлатларидан келган юзлаб полвонлар эса унинг маҳоратига қойил қолиб кетишган эди.

Мана бу йил Термизда — кураш бўйича Биринчи Осиё чемпионатида бўлган беллашуларда ҳам яна Эрали билан Тоштемир — эски рақиблар финалда куч синашдилар.

Кечалари ухламай қилинган машқлар натижасида мушаклари уйнаб турган девқомат Тош-

темир майдонда дадил ҳаракат қила бошлади. У Эралининг унғайини билиб олган эди. Қалтис тарафи шундаки, мабодо эҳтиётсизлик қилиб рақибига имкон бериб қўйса борми, уни чирпирак қилиб юбориши тайин.

мирга кулиб боқди. Ҳакам унинг қўлини кўтарди. Қарсақлар янгарди. Бу олқишлар Тоштемирнинг армони ушалиб, мутлақ голиб чиққанлигини тасдиқлар эди.

Унинг кўнгли қувончдан тоғдек кўтарилиб кетди. Тўғри-да,

ахир дунёнинг унлаб давлатларидан келган полвонлару томошабинлар ўзбеклар ҳамон Амир Темир, Алпомиш авлодларига муносиб эканликларини кўриб қойил қолдилар. Яна қувончининг боиси шундаки, яқин йилларда-

## КЕККАЙГАНИ ЁҚТИРМАЙМАН

— дейди кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир МУХАММАДОВ

Аммо...  
Ўзини тортиб юриш, қачон қулай бўлар экан, деб кутиб туриш ҳам полвон халқига ёт нарса. Шу боисдан Тоштемирнинг бутун вужудини қамраб олган бир ҳис уни рақибига шердек ташлашига даъват этди. Белбоғи бўшаб кетганига парво қилмади. Эралининг белбоғидан маҳкам ушлаб олди-да, то нияти амалга ошмагунча қўйиб юборишни хаёлига келтирмади.

Уларнинг олишуви анча шиддатли тус олди. Вақт эса утиб борарди. Ким голиблик нашидасини суриши мумкин?.. Ниҳоят омад Тоште-



гина полвонларини пинҳон сақлаган бу юрт одамлари бутун жаҳонда довуғ таратапти!

Тоштемирни зафар билан қутлар эканман, унга бир нечта савол билан мурожаат қилдим.

— Сиз каби бутун дунёга довуғи кетган зўр полвон бўлиб етишини орзу қилган ёшлар нима-ларга эътибор қилиши зарур деб ҳисоблайсиз?

— Фиримча, сира кураги ерга тегмайдиган полвонларнинг кўпчилиги кураш илмини сув

### Спортимиз индузлари

қилиб ичиб юборишган. Акс ҳолда, девдай гавдаси бўлгани билан салгина сурхондарёча чил (усул)ни билган полвон ҳам уни чирпирак қилиб осмонга отиб юбориши тайин. Мана масалан, Тошкентда бўлган биринчи жаҳон чемпионатида бразилиялик пакана, ҳатто жуссаси кичкинагина Карлос Хонарто номдор полвонларни шошириб қўйди-ку? Нима учун? У кураш усулларини яхши ўзлаштириб олган кўрилади. Ҳатто мен ҳам унинг елкасида оёғим ерга тегмай ҳавода икки марта муаллақ туриб қолдим. Мабодо салгина эҳтиётсизлик қилганимда у мени мағлуб этиши ҳеч гап эмас эди. Демак, —вилоят ва туманларда миллий кураш мактаблари ташкил этилиб, иқтидорли ёшлар жалб қилинса, уларда довуғли полвонлар ёшларга сабоқ беришса, бўлажак баҳодирларимиз катта ютуқларни қўлга киритишади.

— Машҳур полвонликни ният қилганлар яна қандай фазилатлар соҳиби бўлиши керак?

— Аввало, ичиш-чекиш полвонларнинг қушандаси. Буни ҳар бир ёш ёдда тутиши зарур. Иккинчидан, кундалик машқларни сира қанда қилмаслик лозим. Масалан мен кеккайгани ёмон кўраман. Халқ камтар одамларни хуш кўради. Бирор оддий деҳқон тўй қилса, менга совринга ҳўкиз бермади, деб олишмасдан қайтиб келиш, менимча, номарднинг иши. Полвон учун камтарлик, назаримда, энг олий фазилатлардан бири.

Жовли ХУШБОҚОВ,  
"Туркистон" мухбири

## ҒИЛДИРАК

### ЭНГ ҚИММАТБАҲО АВТО ҚАЙСИ?

Бу саволга бир хилда жавоб бериш қийин. Чунки ҳар бир автомашинани қимматбаҳо жавахирлар билан безаш мумкин. Арабистонлик айрим шайхлар машиналарини ноёб буюмлар билан безашни ёқтиришади. Масалан улар "Макларен" ва "Бертоне" спорт от-уловларини бир миллион доллардан зиёд жиҳозлар билан "бойитишган"

Катта туркумда тайёрланаётган от-уловлар орасида "Астон Мартин Вантаж" энг қиммати — нархи 300 минг фунт-стерлингдан зиёд. Унинг ҳар бир деталлари қўлда тайёрланиб, биттама-битта йиғилади. "Ламборджини Дьябло" ҳам арзон эмас. Унинг энг арзони 200 минг доллардир.

## ОСМОН ТўЛА... ОЛМОСЛАР

Америкалик астронавтлар фазодаги сонсиз астероидларнинг фақат биттасида 1000 миллиард доллардан зиёд қимматбаҳо тошлар борлигини аниқлашди. Ерга яқин деб ҳисобланган бу осмон жисмигача бўлган масофа 38 миллион чақиримдир. Фазогирлар махсус қурилма орқали мавжуд бойликларни аниқлаб, чамалаб кўриб, шундай хулосага келишибди.

Олимлар ҳисобига қараганда сайёрамизга яқин фазода 100 минг тоннадан зиёд платина, юзларча минг тонна тилла, миллиардлаб тонна темир, никель каби хазиналар бор эмиш.

## МИЛЛИАРДЕРЛАР ҲАЁТИДАН

Джон Дэвисон Рокфеллер исмли йигит ўн тўққиз ёшида тижорат дўкони очди. Орадан бир йил ўтгач, шифокорлар уни ошқозони тузалмас дардга дучор бўлганини аниқлаб, бирор йилдан сўнг бу дунёни тарк этса керак, деган хулосага келишган. Бир йил ичида у озиб-тўзиб, чоллардек қадди эгилиб, ранги сўлди. Аммо аста-секин унда ҳаётга муҳаббат уйғонди, наҳотки тақдирга тан бериб юравераман, деган фикр туғилди. Қисқа муддат ичида ўзини ўнглаб, ҳатто миллиардлаб доллар маблағ эгаси бўлди. Ҳаёти эса икки кам юзга етди. Унинг саломатлигини авайлаб юрган шахсий шифокорларининг 37 нафари бу даврда ҳаётдан кўз юмди.

Автомобиль концерни асосчиси Генри Форд айтишларича бирор марта ҳам касал бўлмаган. Умида умуман спиртли ичимлик ичмаган, чекмаган, эрта ухлаган, чанги учган, ҳар яқшанба черковга бориб ибодат қилган.

Нефть ташиш соҳаси бўйича йирик талбиркор Аристо-

### "КУТИЛАДИГАН" ҲОДИСАЛАР

- ✓ Келин тараф куёв тарафга "оз" тўй солди.
- ✓ Йигит ўз "севган" қизига уйланди.
- ✓ Қайнона келинини "мақтади".
- ✓ Шифокор касалнинг "давосини" топди.
- ✓ Яхши тайёрланган команданинг "омади" юришмади.
- ✓ Сотувчи пул бера туриб "ўз ҳисобига" алашди.
- ✓ Почтадан юборилган хат "етиб" келди.
- ✓ Қиз йигитнинг севги изҳоридан "аччиқланди".
- ✓ Дам олиш куни — талабанинг "энг зерикарли" куни.

- ✓ Домла талабанинг жавобига қониқмай "нимагадир" аёло баҳо қўйди.
- ✓ Инсон айбини "кечикмай" тушунади.
- ✓ Олийгоҳда ўз хоҳиши билан ўқийдиган талабалар "кўп".
- ✓ Қиз ота-онасининг "қистови" билан турмушга чиқди.
- ✓ Оилада ёлғиз ўсган фарзанд "ақли" бўлиб чиқди.
- ✓ Ётоқхонада телевизор "борлиги" учун, талабалар янгиликлардан хабардорлар.

ЗИЁДА тайёрлади

тель Онассиснинг ҳаёти ҳам ҳазас қилса арзигудек. У 16 ёшида Аргентинага келиб, 23 ёшида миллионер бўлган. Онассис 2-3 кун тинимсиз меҳнат қилиб, сўнг 12-14 соат ухлаб олиб, яна ҳеч нарса бўлмагандек унум билан ишлайверарди. Бирор марта ҳам жиддий ҳасталикка чалинмаган.

Кўп лаб фильмлар муаллифи, кейинчалик самолётсозлик билан шуғулланган Говард Хьюз давлатга барча мол-мулкнинг 70 фоизи ҳисобидан, яъни 336 миллион доллар солиқ тўлаб, Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олган. У жуда ҳам озодаликни ёқтирган. Кўнглига ёқмаган одам билан учрашиб қолгудек бўлса, барча устки кийимларини ечиб ёқиб ташлаган, албатта, яхшилаб бош-оёқ ювинган.

Хориж матбуотидан

"Toshkent-Invest" Молия Инвестиция компанияси ОАЖнинг йўқолган думалоқ гербли муҳри ва тўртбурчак тамғаси бекор қилинади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Рўзибой Ҳамидов

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-54-54  
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700033 Тошкент Матбуотчилар уювмаси, 32-ўй  
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқлангани мумкин.